

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

ISSN 2010-6602

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ


ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ ЯНВАРДАН БОШЛАБ НАШР ЭТИЛМОҚДА

№ 15 (1246)

2020 ЙИЛ 23 АПРЕЛЬ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 11 апрелдаги қарорига мувофиқ, "ТВС Банк" акциядорлик тижорат банкига банк фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилди.

БАНКЛАР СОНИ ЯНА БИТТАГА ОРТДИ



– Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 11 апрелдаги қарорига мувофиқ, "Yagona Umumrespublika Protsessing Markazi" масъулияти чекланган жамиятига (Uzcard) тўлов тизими оператори фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилди.

– Марказий банк Бошқарувининг 2020 йил 11 апрелдаги қарорига мувофиқ, "Milliy Banklararo Protsessing Markazi" (HUMO) масъулияти чекланган жамиятига тўлов тизими оператори фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берилди.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Матбуот хизмати



Бахриддин Бердияров
Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси ректори в. б.

ПАНДЕМИЯДАН СЎНГ ТИЖОРAT БАНКЛАРИДА ҚАНДАЙ МУАММОЛАР ЮЗАГА КЕЛИШИ МУМКИН?

Пандемия натижасидаги ҳолатида тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятига салбий таъсир этадиган омиллар қуйидагиларда кўринади:

Биринчидан, ўз вақтида кўрилган амалий чоралар натижасида тадбиркорлар ва аҳолининг жами 19,5 триллион сўмлик кредит қарзларини тўлаш муддати 1 октябргача кечиктирилади. Бунда банкларга ушбу шартлар бажарилганда кредитлар сифати бўйича қайта кўриб чиқилган деб таснифланмайди. Ҳеч шубҳасиз, бу тадбиркорлар ва аҳоли учун ҳам, тижорат банклари учун ҳам катта имтиёз ва мадад бўлди.

Лекин бу банкларнинг ликвидлигини пасайтиради. Чунки, банк ҳисобрақамларига шу миқдордаги ва

унга ҳисобланган фоизлар кечиккан ҳолда тушади. Бу муддат оралиғида эса, банкларнинг қўшимча ресурсларга талаби ошади. Иқтисодий ҳаракатсизлик натижасида эса, таклифни шакллантириш ёки ошириш муаммоси пайдо бўлиши мумкин.

Иккинчидан, Марказий банк ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти тўхтаб қолмаслиги учун банклар орқали 30 триллион сўм айланма маблағлар ажратади. Бу банкларга қўшимча ресурсларни берилиши билан боғлиқ бўлмайди.

Давоми-2

"АГРОБАНК" АҲОЛИ ТОМОРҚАЛАРИГА УРУФ-КЎЧАТЛАР ЕТКАЗИБ БЕРМОҚДА

Томорқа ризқ-рўз, юқори даромад, бандлик ва албатта, оила фаровонлигини таъминлаш манбаидир.

Ҳозирда бутун жаҳонда кечаётган пандемия жараёнларида иқтисодий ва озиқ-овқат хавфсизлиги жиддий муаммоларга айланиб бормоқда. Мамлакатимизда бу каби салбий ҳолатларнинг олдини олиш ва халқимизнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талабини тўлақонли таъминлаш борасида аҳоли томорқаларидан ҳам самарали фойдаланиш орқали кўпроқ маҳсулот етиштиришга жиддий эътибор берилмоқда.

Бугунги кундаги пандемия даврида кўпчилик фуқароларимиз вақтини оила даврасида ўтказяпти. Бу эса карантин қоидаларига риоя қилишларига ва хонадондаги мавжуд томорқадан самарали фойдаланишга туртки бўлмоқда.

Бу борада "Агробанк" АТБ томонидан ҳам шу жиҳатларига эътибор қаратган ҳолда амалий саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилган.

Хусусан, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни орқали, оилалар даромадини ошириш, сархил турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун томорқага керакли уруф ва кўчатларни банк томонидан ташкил қилинган кўчма дўконлар орқали сотиб олиш тизими йўлга қўйилди.

Ҳозирда ушбу саъй-ҳаракатларни юқори даражада олиб боришда ҳудудлардаги 230 та таъминотчи корхоналар билан ўзаро ҳамкорликда ишлар бошлаб юборилган. Уруф ва кўчатларни сотиб олиш учун банк томонидан 17 865 миллион сўмлик кредит маблағлари йўналтириш режалаштирилган. Аҳоли хонадонларига уруф ва кўчатларни тарқатиш учун 7363 та маҳалла фуқаролар



ийгинларида ишлар ташкил этилиб, банкнинг 516 нафар ходими бириктирилган ва хизмат кўрсатишга 516 та автомашиналар жалб этилган.

Аҳоли мазкур кўчма дўконлар орқали уруф ва кўчатларни нақд пулда ва пластик карта орқали ҳам сотиб олишлар ва албатта, "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури доирасида ажратилаётган кредитлардан ҳам фойдаланишлари мумкин бўлади.

Шу ўринда айтиш мумкинки, ҳар бир фуқаро ўз томорқасида рўзгор учун зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирса, аввало, келгусида маҳсулотлар мўл бўлишига, қўшимча даромад олинишига ва бозорларимиз тўкинлигига сабаб бўлади.

Зеро, ушбу синовли дамларда ўз томорқамизга қадаган ҳар бир кўчат, ҳар бир ниҳол келгусида улкан ризқ-рўз олиб келади.

Хайрулло ХОЛТЎРАЕВ

FITCH RATINGS: ХАЛҚ БАНКИ РЕЙТИНГИНИ САҚЛАБ ҚОЛДИ

Fitch Ratings халқаро рейтинг агентлиги Халқ банки рейтингини "ВВ-/Барқарор" даражасида сақлаб қолди. Бу эса банкнинг халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ҳамда мижозлар ишончини орттиришга хизмат қилади.

Fitch Ratings ушбу даражани 2019 йил август ойида банк кредит кўрсаткичларини ўрганган ҳолда берганди.




Xb.uz



БАНК ХОДИМЛАРИ ОММАВИЙ РАВИШДА БЎШАТИЛИШИ БОРАСИДАГИ ГАПЛАР АСОССИЗ

Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар кўмитаси томонидан айрим интернет нашрларида эълон қилинган “Банкдаги 5 минг сайёр кассир ишсиз қоладими?” номли мақола ўрганиб чиқилди ҳамда келтирилган факт ва иддаолар мутлақо асоссиз эканлиги аниқланди.



Жумладан, мақолада Республика махсус комиссияси ҳамда коронавируснинг тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича махсус штабнинг 2020 йил 14 апрелдаги қарори билан шу йилнинг май ойидан пенсия ва нафақалар тўлиқлигича банк пластик карталари орқали амалга оширилиши тўғрисида, банкларда сайёр кассир бўлиб ишлаётган 5 мингга яқин ходим республика

лика бўйича ишсиз қолиши ва бу ҳақда ҳеч ким гапирмаётгани қайд этилган.

Марказий банк ва Халқ банки мутасаддиларининг Сенат сўровига билдирган ахборотларидан маълум бўлдики, аввало, пенсия ва нафақалар тўлиқлигича банк пластик карталари орқали амалга оширилиши – кассирлардан терминаллар орқали ҳар бир пенсионерга нақд пулни етказиб беришни, банккоматларни пул билан таъминлаб туриш каби қатор

вазифаларни талаб этади ва уларга иш юки ҳозирда етарли бўлади. Шу боис штатларни қисқартириш борасидаги гаплар асоссиз.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомил-

лаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфраструктурасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги Фармонининг 14-бандига биноан банкларга республиканинг барча чекка ҳудудларида миқозларга тезкор хизмат кўрсатиш учун ихчам “банк хизматлари офислари”ни ташкил қилиш вазифаси юкланган.

Шунинг учун банклар томонидан сайёр кассирларни қўйидаги йўналишларда ишга жалб этиш режалаштирилган:

– “банк хизматлари офислари” орқали аҳолига чакана банк хизматларини кўрсатиш, микрокредит, микроқарз, автокредит, истеъмол кредитлари олишларида қўмаклашиш;

– барча ҳудудларда банккоматлар ўрнатилиб, тўлиқ ишга тушгунга қадар пенсио-

нерларга банк карталаридаги пулларини терминаллар орқали нақд олишларини таъминлаш;

– ҳудудлардаги банккоматларни нақд пул билан таъминлаб туриш каби хизматлар кўрсатиш.

Албатта, замон талаби билан рақамли иқтисодиётнинг шиддат билан кириб келиши, рақамли технологияларнинг тезкор ривожланиб бориши ҳар бир банкдан кучли рақобат шароитида “яшаб қолиш” учун юқори малакали мутахассисларни жалб этишни талаб этади. Шундан келиб чиқиб, банклар ходимларни оммавий равишда “қисқартириш” эмас, балки юқори технологиялар орқали хизмат кўрсатиш қобилиятини ошириш ва чакана банк хизматларини кўрсатиш бўйича қайта тайёрлаш устида узвий ишларни амалга оширмақда. Бу жараён эса Сенатнинг доимий назоратида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати

“Asia Alliance Bank” АТБ Ўзбекистондаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг савдо амалиётларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Осие тараққиёт банки (ОТБ)нинг Савдони молиялаштириш дастурига қўшилди.

“ASIA ALLIANCE BANK” САВДОНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ДАСТУРИГА ҚЎШИЛДИ



– “Asia Alliance Bank” АТБ янги ҳамкоримизга айланганидан жуда хурсандмиз, чунки биз айнан кичик ва ўрта бизнесдаги савдо оқимини қўллаб-қувватлаш тарафдоримиз, – деди ОТБнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик бўйича менежери Нана хоним Куродзе. – Бизнингча, Савдони молиялаштириш дастури бугунги кунда муҳим аҳамиятга эга, айниқса ҳозирги мураккаб вазиятда савдо иштирокчиларига қўшимча ишонч туйғусини бахш этади.

Ҳозирга қадар ОТБнинг мазкур Дастурига Ўзбекистондаги олтинта банк қўшилган. 2019 йил мобайнида дастур мамлакатда жами 1.44 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi 530 дан ортиқ савдо амалиётларини молиялаштирди.


– Банкимизнинг Осие тараққиёт банкининг Савдони молиялаштириш дастурига қўшилиши бизга хусусий секторнинг молиявий

эҳтиёжларини қўллаб-қувватлаш ҳамда Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан савдо амалиётларини рағбатлантириш борасидаги имкониятларимизни кенгайтиради, – деди банк Бошқаруви Раиси, Икром Абдукаҳоров. – Мазкур ҳамкорлик ёрдамида биз мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларга маҳаллий тадбиркорларнинг манфаатларини илгари суриш ва янги иш ўринлари яратиш орқали ўз ҳиссамизни қўшмоқчимиз.

Қайд этиш жоизки, ОТБнинг “AAA” кредит рейтинги билан тасдиқланган Савдони молиялаштириш дастури 200 дан зиёд ҳамкор банкларга савдони молиялаштириш учун кафолат ва кредитлар ажратади. Бу бутун Осие-Тинч океани минтақасида янада кўпроқ компаниялар томонидан импорт-экспорт фаолиятларини амалга ошириш имконини яратади.

Шунингдек, дастур доирасида, молия ва савдо масалаларига оид билим ва тажрибани ошириш, таваккалчилик ва хатарларни бошқариш ҳамда фирибгарликнинг олдини олишга қаратилган семинарлар, тренинглар ташкил этилмоқда.

Банк Ахборот хизмати



ПАНДЕМИЯДАН СЎНГ ТИЖОРAT БАНКЛАРИДА ҚАНДАЙ МУАММОЛАР ЮЗАГА КЕЛИШИ МУМКИН?

1-бошланиши

Тижорат банкларининг ликвидликка салбий таъсирининг учинчиси, бу банкларга тушадиган маблағларнинг камайиб кетишидир. Чунки ҳўжалик субъектлари орасида ўзaro товар ва хизматлар алмашинуви камаяди. Бу иқтисодий ҳаракатсизлик натижасида аксарият субъектлар ўз фаолиятларини тўхтатганликлари билан боғлиқ.

Тўртинчидан, миллий валютанинг кескин девальвацияси. Бу биринчидан, хорижий валютадаги кредитларни қайтишида муаммони юзага келтирса, иккинчидан, импорт қилинадиган хомашё маҳсулотларига боғланган ишлаб чиқаришни камайишига ёки тўхтатилишига, пировардида, банкларда кредитларнинг сифати пасайишига олиб келади. Маълумки, кредитлар сифатининг пасайиши ликвидликка салбий ҳолат сифатида баҳоланади.

Пандемия шароитида Ўзбекистонда пул-кредит сиёсатини амалга оширишда нималарга эътибор қаратиш муҳим

Таъкидлаш лозимки, Ҳукумат ва Марказий банк томонидан ўз вақтида кўрилатган чора-тадбирлар натижасида, банкларнинг ликвидлигини юмшатадиган омиллар ҳам

мавжуд. Фикримизча, улар қуйидагилардан иборат:

Биринчидан, банкларнинг ликвидлигига ижобий таъсир этадиган ҳолат бу, банкларда муддати тугаган омонатлар муддатини узайтирилганлигидир. Яъни, банклар ҳозирда тўлаб бериши керак бўлган мажбуриятлар қисқа муддатли даврда банк ихтиёрида қоладиган бўлди. Шу муддатли оралиқда тижорат банкларининг ликвидлиги пасаймайди, аксинча, ошади;

Иккинчидан, Марказий банк жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб тижорат банкларининг Марказий банкка депозитга ўтказадиган мажбурий захира миқдорига нисбатан ўртачалаш коэффициентини ошириш бўйича қарор қабул қилди. Яъни, банкларнинг ликвидлигини қўллаб-қувватлаш ва тўлов тизимининг барқарор ишлашини таъминлаш мақсадида мажбурий захиралар миқдорига нисбатан амалдаги 0,25 ўртачалаш коэффициенти 0,35 гача оширилди.

Бунда тижорат банкларининг Марказий банкка ўтказилиши лозим бўлган мажбурий захиралари миқдорининг 35 фоизини банкларнинг вақтлик ҳисобварағида қолдиришга рухсат этилади. Бу ўз навбатида, тижорат банкларининг ликвидлигини қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР АҲОЛИ УЧУН ҚУЛАЙМИ?

Ўзбекистон Республикасига коронавируснинг кириб келиши ва тарқалишини олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш бўйича Республика махсус Комиссияси ҳамда коронавируснинг тарқалишига қарши курашиш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш ва хавфсизликни таъминлаш бўйича махсус штабининг 2020 йил 14 апрелдаги қарорига мувофиқ:



Пенсионер ва нафақа олувчиларнинг саломатлигини сақлаш мақсадида, шунингдек, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) тавсияларига қўра, республикадаги эпидемиологик ҳолат барқарорлашгунга қадар 2020 йилнинг май ойидан пенсия ва нафақаларни тўлиқлигича банк пластик карталари орқали амалга ошириш чораларини кўриш вазифаси юклатилган.

Бунда, 2020 йилнинг май ойидан - Тошкент, Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларида истиқомат қилувчи фуқароларнинг пенсия ва нафақалари тўлиқ банк пластик карталарига ўтказилади.

2020 йилнинг июнь ойидан республиканинг барча ҳудудларидаги фуқароларнинг пенсия ва нафақалари банк пластик карталари орқали тўланиши таъминланади.

Бу қай тарзда амалга оширилади?

Биринчи навбатда, АТ "Халқ банки" томонидан пенсия ва нафақаларини нақд пулда олувчи барча фуқаролар учун банк пластик карталари очилади.

Бунда, ортиқча қоғозбозликсиз, фуқаролардан паспорт нусхалари ва бошқа ҳужжатлар талаб этилмаган ҳолда Пенсия жамғармаси ҳамда Халқ банки ўртасида электрон маълумот алмашинуви амалга оширилади. Демак, фуқароларнинг овозгарчилигисиз пластик карталар расмийлаштирилади.

Кейин, Пенсия жамғармаси томонидан фуқароларнинг пенсия ва нафақа маблағлари уларнинг АТ "Халқ банки"да очилган банк пластик карталарига ўтказиб берилади.

Бунда, махсус комиссия тавсиясига қўра (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига қўра коронавирус қоғоз банкноталарда 3-4 кунгача, мақбул шароитларда эса ундан ҳам кўп вақт сақланиши мумкинлигини қайд этган), қоғоз шаклидаги ҳужжатларда коронавирус инфекцияси

тарқатишининг юқори даражадаги ҳуссиятига эга эканлигини инобатга олган ҳолда (Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотига қўра коронавирус инфекциясига кўпроқ мойиллиги бўлган асосий хавф гуруҳига кекса ёшдаги, сурункали касалликлари мавжуд ва ногиронлар кириши қайд этилган) фуқаролардан ариза талаб этилмайди.

Шундан сўнг, пенсия ва нафақа олувчиларга очилган банк пластик карталари маҳалла фуқаролар йиғинлари бўйича белгиланган пенсия ва нафақаларни етказиш графикларига мувофиқ, АТ "Халқ банки"нинг сайёр кассалари томонидан фуқароларнинг яшаш манзилларига етказилади.

Пенсия ва нафақа олувчиларга очилган банк пластик карталари учун фуқаролардан ҳеч қандай тўлов ва ҳақ олинмайди. Мухими шуки, АТ "Халқ банки" сайёр кассалари томонидан банк пластик карталарини етказиш чоғида, фуқароларнинг хоҳишига асосан банк картасидаги пуллар фойсиз нақдлаштириб берилади.

Пенсия пулларини бошқа тижорат банклари орқали олиб турган фуқароларга тўловлар қандай амалга оширилади?

Бугунги кунда пенсия ва нафақаларини бошқа тижорат банкларининг пластик карталари орқали олиб турган жами 370 мингдан ортиқ фуқароларнинг пенсиялари бўйича тўловлар, келгуси ойларда ҳам уларнинг (мавжуд) банк карталари орқали амалга оширилиши давом эттирилади.

Бунда, пенсия ва нафақаларни қисман банк пластик картаси ва қолган қисмини нақд пул шаклида олиб турган жами 121 мингдан ортиқ фуқароларга ҳам келгуси ойдан тўловлар тўлиқ (100%) ўзларининг (мавжуд) банк пластик карталарига ўтказиш орқали амалга оширилади.

**Пенсия жамғармаси
матбуот хизмати**

Бу саволга
Давлат со-
лиқ қўмита-
си бошқарма
бошлиғи
Музаффар
Назаров қуй-
идагича жа-
воб берди.



КАРАНТИН ДАВРИДА СОЛИҚ ТУШУМЛАРИ КАМАЙДИ

"16 мартдан коронавирус пандемияси муносабати билан карантин эълон қилнган бўлса-да, март ойи якуни бюджет тушумларига таъсир қилмади.

Хабарингиз бор, ҳозирда жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқлари бўйича тўлов муддати 15 октябрга кўчирилди, яъни тартибдаги 195 мингга яқин тадбиркор фаолиятини вақтинча тўхтатишга мажбур бўлди. Жисмоний шахсларнинг мол-мулк ва ер солиқларидан тушумлар 3 баробарга пасайди. Яъни 130 миллиард сўмдан 40 миллиард сўмга тушди.

Тўлов муддати узайтирилган бўлса-да,

"Карантин вақтида мен солиқларимни тўладим" челленжига қўшилган фуқаролар 40 миллиард сўмлик солиқларни уйда ўтириб, интерактив тарзда тўлаб бердилар. Келгусида уларнинг сони янада кўпаяди.

ЯТТларнинг қатъий белгиланган солиғи бўйича тушумлар эса 84 фоизга камайган. Сабаби айни вақтда уларнинг 80 фоиздан ортиги фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлди".

Айни вақтда ҳеч кимга осон эмас, давлатга ҳам фуқароларга ҳам. Шундай бўлса-да, ҳар биримиз бурч ва мажбуриятларимизни унутмаслигимиз керак.

ТАДБИРКОРГА ЯНГИ ҲАМКОРНИ КИМ ТОПИБ БЕРАДИ?

Кейинги йилларда экспорт борасида яратилган имкониятлар туфайли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириб, экспорт қилувчи тадбиркорлар сони ҳам ортди.



Айни вақтда пандемия туфайли бу борада ҳам қалтис ҳолатлар юзага келмоқда. Шартномалар бажарилмаган вазиятда хориждаги шериклар шартномани бекор қилса, янги бозорларни қидириб топиш осон бўлмайди. Бунинг устига олинган кредитларни қандай қилиб қоплаш мумкин.

– Дунёдаги эпидемиологик вазият туфайли ҳукумат шартномалар бажарилмаган тақдирда бизнес учун "форс-мажор" режимини жорий этишга қарор қилди, – дейди Қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари Саидкомил Ходжаев. – Коронавирус пандемияси ва глобал инқирознинг иқтисодий тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш учун Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги тадбиркорлик субъектларининг талабларига қўра форс-мажор ҳолатларида сертификатларни бир кунда топиради.

Эски ҳамкорларни йўқотмасликдан ва янги ҳамкорларни топишга бўлган консултив ёрдам бериш мақсадида 24/7 режимда

узлуксиз фаолият юритувчи экспортчилар ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш Республика штаби ташкил этилган.

Республика штаби тадбиркорларда ташқи савдо ва инвестиция фаолияти барқарорлигини таъминлаш бўйича юзага келган масалаларга тезкор ечимлар топиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўрмоқда.

Хабарингиз бор 2020 йилнинг 1 октябрга қадар барча кредит ташкилотларига молиявий қийинчиликларга учраган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кредитлари бўйича жарима санкцияларини қўлламаслик ҳамда ундирувчи кредит таъминотига қаратмаслик тавсиялари берилган. Тижорат банклари кредитлари бўйича тўлов муддатларини кейинги 2-3 ой муддатга кечиктириш ҳақида маълум қилмоқда. Муддат якунига қўра кредит мажбуриятлари пул оқими ҳажмига қараб қайта қўриб чиқилади.

Қайд этиш керакки, Президентимизнинг 2020 йил

3 апрелдаги "Коронавирус пандемияси даврида, аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб қувватлашга доир чора тадбирлар" тўғрисидаги фармонида қўра, 2020 йил 1 октябрга қадар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳам тадбиркорларга кўмак беради.

Бунда лойиҳалар сонидан қатъий назар, барча тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларини тўлдирish учун берилдиган кредитлар бўйича кредит суммасининг 75 фоиздан ошмаган ҳажмда кафилик, Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 баробаридан ошмаган миқдордаги фоиз ставкаси билан миллий валютада берилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация тақдим этилади.

Яна бир гап. Фойдаланмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотларга, шу жумладан 2020 йил 1 апрелга қадар аниқланганларга нисбатан мол-мулк солиғи ва ер солиғининг оширилган ставкаларини қўллаш, юзага келган қарздорликка жарима ҳисоблаш ва мажбурий ундириш чоралари тўхтатилди. Шунингдек, 1 апрелдан бошлаб юридик шахслар томонидан газ ва электр энергияси бўйича олинган ҳақ тўлаш тўғрисидаги мажбурий талаб нисбатан пасайтирилди.

Сайёра ШОЕВА
ЎЗА

НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ ЯНГИЛАНДИ

Марказий банк Бошқарувининг қарори билан Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисида янги низом тасдиқланди (13.04.2020 йилда 3229-сон билан рўйхатдан ўтказилган).



Янги таҳрирдаги Низомга айнан қандай ўзгаришлар киритилиши кутилаётгани ҳақида илгари ёзган эдик (шарҳга қаранг). "Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида"ги Қонун ва янги таҳрирдаги Солиқ кодекси кучга киргани муносабати билан тегишли тузатишлар киритиш зарурати юзага келди.

Низомнинг айрим нормалари чиқариб ташланди (тижорат банкининг ҳисоб-китоб чеклари ва банк пластик карталари орқали ҳисоб-китоб қилиш тўғрисидаги боблар), айримлари эса тўлдирилди. Чунинчи, янгиланган версия ҳужжатда фойдаланиладиган бир қатор асосий тушунчалар билан тўлдирилди. "Операция куни", "валюталаш санаси", "1-сон картотека", "2-сон картотека", "масофавий хизмат кўрсатиш тизими", "электрон тўлов воситалари" ва бошқалар сингари тушунчаларга таъриф берилди. Инкассо топшириқномала-

ри билан ҳисоб-китоб қилиш тартибига тузатиш киритилди. Улар тўловчининг банкига ёки маблағларни олувчига ёзма ёки электрон шаклда тақдим этилади. "Қоғоздаги" топшириқномалар уч нусхада берилади. Уларнинг иккитаси ижро учун банкда қолдирилади, учинчиси эса қабул қилиш санаси кўрсатилган ҳолда банкнинг масъул ходими томонидан имзоланади ва унга бириктирилган штамп билан тасдиқланиб, маблағларни олувчига қайтариб берилади.

Маблағларни олувчининг банкига инкассо топшириқномаси тақдим этилганда иккита нусхаси тегишли журналда қайд этилган ҳолда почта хизмати орқали маблағларни тўловчининг банкига юборилади. ЭРИ билан тасдиқланган электрон шаклдаги инкассо топшириқномалари тўлов тизими орқали маблағларни тўловчининг банкига ижро учун юборилади.

Ҳўжалик жамиятлари ва стратегик аҳамиятга эга корхоналар амалга оширадиган харид шартларига тузатишлар киритилди (15.04.2020 йилдаги ПҚ-4678-сон қарорга қаранг).

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ: СТРАТЕГИК ХАРИДОРЛАР УЧУН НИМАЛАР ЎЗГАРДИ

Эслатиб ўтамиз, бунда илгари алоҳида рўйхатга киритилган 24 та йирик компания ҳақида сўз бормоқда.

Биринчидан, уларнинг Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш маркази билан ўзаро муносабатлари ўзгарди:

а) товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) давлат харидига бўлган техник топшириқлар қисмида улар қолган субъектлар билан тенглаштирилиб, энди қиймати БҲМнинг 5 000 бараваридан (материал эълон қилинган санада – 1 млрд. 115 млн. сўм) ошганда ҳужжатларни комплекс экспертизадан ўтказиш учун тақдим этишлари шарт. Илгари улар учун нарх чегараси экв. \$50 мингга (жорий курс бўйича – 506 050 минг сўм) ташкил этарди;

Иккинчидан, давлат ва стратегик буортмачининг ишлаб чиқариш фаолиятида фойдаланиш учун товарларни (ишларни, хизматларни) интеллектуал фаолият натижалари муаллифидан ёки улардан мутлақ фойдаланиш ҳуқуқига эга етказиб берувчидан тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилишга рухсат берилди. Бошқа етказиб берувчи томонидан маҳсулот етказиб бериш имконияти бўлмаган тақдирда лицензия битимига (шартномасига, контрактга) асосан бунга йўл қўйилади. Интеллектуал фаолият натижаларини (фан, адабиёт ва санъат асарлари, ижролар, фонограммалар, эфир ёки кабель орқали кўрсатув ёхуд эшиттириш берувчи ташкилотларнинг кўрсатувлари ёки эшиттирилари) ушбу объектларга нисбатан мутлақ



б) контрактлар қисмида – илгари улар барча, шу жумладан импорт контрактларни экспертизадан ўтказиш учун тақдим этишлари керак бўлган бўлса, ҳозир фақат импорт контрактлар ва уларга қўшимча келишувларни тақдим этишлари лозим. Нарх мезони экв. \$50 мингдан БҲМнинг 40 000 бараваригача (материал эълон қилинган санада – 8 млрд. 920 млн. сўм) ўзгартирилди. Бундан ташқари, энди ушбу талаб тўғридан-тўғри музокаралар асосида тузилган контрактларга нисбатан ҳам табиқ этилади.

ҳуқуққа эга бўлган ягона шахсдан харид қилиш чоғида ҳам тўғридан-тўғри шартнома тузилиши мумкин.

Учинчидан, 2020 йил 1 январдан бошлаб стратегик хариддорлар харид олдидан энг яхши таклифларни танлаб олиш йўли билан махсус веб-порталда эълон жойлаштирилган шарт эканлигидан хабардор-миз. Унда харид комиссияси томонидан таклифларни қабул қилишнинг сўнгги муддати кўрсатилади. Илгари у камида 15 кунни ташкил этган бўлса, эндиликда камида 10 кунни ташкил этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 15.04.2020 йилдаги 228-сон қарори билан Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тасдиқланди.

"Обод ва хавфсиз маҳалла" жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) Вазирлик ҳузурида, юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ташкил этилмоқда.

Жамғарма маблағлари қуйдагилар ҳисобидан шакллантирилади:

- "Маҳалла" хайрия жамоат фондига ҳар йили ўтказиладиган умумхалқ хайрия хашаридан тушадиган тушумларнинг 10%и;
- Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фондига ҳар йили Давлат бюджетидан ажратиладиган

"ОБОД ВА ХАВФСИЗ МАҲАЛЛА" ЖАМҒАРМАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА



маблағларнинг 20%и;

- жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
- халқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;
- вақтинча бўш турган маблағларни тижорат банкларининг депозитларига

жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

- бошқа тақиқланмаган манбалар.
- Жамғарма маблағларидан қуйдаги мақсадларда фойдаланилади:
- Вазирликка юклатилган асосий вазифаларни амалга ошириш;

• "хавфсиз маҳалла" таъминлини тўлақонли ва самарали жорий этиш, оила ва маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш;

- хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг бандлигини таъминлаш, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва фаоллигини ошириш;
- кексалар ва фажрийлар, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга моддий кўмаклашиш ҳамда уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;
- аҳолини оилавий ва хусусий тадбиркорликка, хунармандчиликка кенг жалб этиш ҳамда уларнинг томорқа ерларидан самарали фойда-

ланишига кўмаклашиш;

- фуқаролар йиғинларининг моддий-техника таъминотини яхшилаш ҳамда соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;
- Вазирликнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ходимларни моддий рағбатлантириш ҳамда ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг малакасини ошириш, конференциялар ва бошқа тадбирлар ташкил этиш.

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби алоҳида низом билан тасдиқланган. Вазирлик тузилмаси, шунингдек марказий аппарат ва ҳудудий бошқармаларнинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва жавобгарлиги, уларнинг ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш ва моддий рағбатлантиришни тартибга солиш Вазирлик тўғрисидаги низом тасдиқланган.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилашда таъминот бозорининг ривожлантириш ва унинг шаффофлигини ошириш мақсадида илғор халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда кенг қамровли ўзгаришлар ва ислохотлар амалга оширилди.

Жумладан, 2019 йилнинг 22 октябрида Ўзбекистон Республикасининг "Кредиторларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш кучайтирилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизми муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди ва у билан 11 та қонун ҳужжатига таъминот муносабатларида кредиторларнинг қарздор мулкига бўлган ҳуқуқлари устуворлиги, таъминот ҳисобидан талабларни қондириш ва бунда гаров реестрига ёзув киритган кредиторлар бир қатор имтиёзларга эга бўлиши белгиланиб, ушбу меъёрлар "Гаров реестри тўғрисида"ги Қонун талаблари билан мувофиқлаштирилди.

Мазкур Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикасининг "Гаров реестри тўғрисида"ги Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 12 июндаги "Гаров реестри тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида"ги 155-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги "Гаров реестри" давлат унитар корхонаси томонидан 2019 йилда давомида:

- фойдаланувчиларга улар билан тузилган шартномалар асосида гаров реестрига кириш, шунингдек ундан Интернет ахборот тармоғи орқали узлуксиз кеча-кундуз фойдаланиш имконияти таъминланди;

- гаров реестридан фойдаланиш юзасидан муносабат эгаси юридик ва жисмоний шахсларга гаров реестрига ёзув киритиш, ундан кўчирма (маълумот) олиш ва бошқа функцияларидан фойдаланишнинг афзалликлари тушундирилди;

- гаров реестридаги ахборотни қарздор – солиқ тўловчининг идентификация рақами, ёзувнинг ягона рўйхатдан ўтказиш рақами, шунингдек кўчмас мулкнинг кадастр рақами ва автотранспорт воситасининг кузов рақами бўйича излаш ҳамда излаш натижаларига кўра кўчирма олиш имконияти таъминланди.

Шу билан бирга, тижорат банклари ва уларнинг филиаллари, микрокредит ташкилотлари, ломбардлар ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар ходимлари учун гаров реестри билан ишлаш бўйича кўчирмаларини ошириш ва гаров реестридан фойдаланишнинг афзалликлари тўғрисида семинарлар ўтказилди.

Гаров реестри хизматларидан фойдаланишда қулайлик яратиш мақсадида 2019 йилда гаров реестри сайтнинг лотин алифбо-



ГАРОВ РЕЕСТРИ ПЛАТФОРМАСИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШАДИ

сидаги версияси яратилди ҳамда гаров реестрининг инглиз тилида ҳам юритилиши жорий этилди.

Барча тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари ва ломбардлар, шунингдек давлат органлари, бошқа бир қатор корхоналар ва ташкилотлар ҳамда жисмоний шахслар гаров реестри хизматларидан фойдаланишмоқда.

Фойдаланувчилар томонидан гаров мулкига бўлган ҳуқуқлари тўғрисида гаров реестрига киритилган ёзувлар 577 мингдан ошди ҳамда гаров реестридан 5,7 мингдан ортиқ кўчирмалар олинган.

Хусусан, 2019 йилда гаров реестрига киритилган ёзувлар 233,2 мингтани ташкил этиб, 2018 йилдагига нисбатан 21,8 фоизга ошди. Шунингдек, ёзувларга 333,7 мингдан зиёд ўзгартиришлар қилинган ва 67,6 мингдан ортиқ ёзувлар гаров реестридан чиқарилган ҳамда реестрдан 1 100 га яқин кўчирмалар олинган.

Гаров реестридаги ёзувларнинг 93,7 фоизи тижорат банклари томонидан ва 6,1 фоизи микрокредит ташкилотлар томонидан киритилган.

Қарздорнинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан мавжуд қарзларини тўлаш тўғрисидаги талаблар бўйича гаров реестрига ёзувни онлайн режимда киритилишини таъминлаш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси ахборотлар базаси гаров реестрига интеграция қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг "Кредиторларни ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш кучайтирилиши ҳамда тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизми муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Олий суди, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Миллий Гвардияси ва Марказий банкнинг қўшма қарори билан "Суриштирув, дастлабки тергов ва судда хатланган ҳамда гаров тарзидаги эҳтиёт чораси сифатида қабул қилиб олинган мол-мулклар тўғри-

сидаги ёзувларни гаров реестрига киритиш, ўзгартириш ва реестрдан чиқариш тартиби тўғрисида"ги Низом тасдиқланди ҳамда суриштирув ва дастлабки тергов органлари ҳимояланган алоқа каналлари орқали гаров реестрига уланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Микромолиявий хизматлар оммабоплигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4400-сон қарорига мувофиқ гаров реестрининг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими билан интеграция қилиш, кредит ташкилотлари учун гаров реестри орқали мулкка тақиқ қўйиш ва ечиш, шунингдек мулк тақиқланмаганлиги ёки хатланмаганини текшириш имкониятлари яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Марказий банк ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви тўғрисида Келишув имзоланди ва Келишувга мувофиқ Технологик йўриқнома ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Амалга оширилган ишлар билан биргаликда "Гаров реестри" ДУК томонидан гаров реестрини янада такомиллаштириш ва фойдаланувчиларга қулайликларни ошириш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда.

Гаров реестрининг самарадорлигини ошириш мақсадида 2020 йилда "Гаров реестри" ДУК томонидан куйдагиларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда:

- Гаров реестрини Адлия вазирлигининг Нотариатнинг ягона автоматлаштирилган ахборот тизими билан интеграция қилиш ва кредит ташкилотлари учун гаров реестри орқали мулкка тақиқ қўйиш, ечиш, шунингдек мулк тақиқланмаганлиги ёки хатланмаганини текшириш имкониятини яратиш;

- Гаров реестрини Ўзбекистон Республикаси ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитасининг Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар реестрига интеграция қилиш;

- Гаров реестри платформасини янада такомиллаштириш, сайти жозибадорлигини ҳамда фойдаланувчилар учун қулайликларни ошириш.

Ахматхон МАМАТОВ
"Гаров реестри"
ДУК директори

Бугунги кундаги пандемия сабабли кўплаб таълим муассасалари масофавий таълим тизмига ўтилди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ҳам фаол ишларни амалга ошириб келмоқда.

МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ – САМАРАЛИ БИЛИМДИР

Жумладан, Банк-молия академиясида масофавий таълимни ривожлантириш мақсадида пандемия шароитининг дастлабки кунлариданоқ ишга киририлиб, Академия сайтыда янги портал – <http://moodle.bfa.uz> тизими яратилди.

Бугунги кунда ушбу портал орқали Академия профессор-ўқитувчилари барча йўналишларда онлайн маърузалар олиб бормоқда. Бу ўз навбатида, ўқитувчи ва тинловчиларнинг вақтларидан унумли фойдаланишга ва кўпроқ билим олиш имкониятини ҳам яратмоқда. Шунингдек қайд этиш жоизки, мазкур маърузалар онлайн ўтилиши баробарида "YOUTUBE" тизимига ҳам жойлаштириб борилмоқда.



Қолаверса, мазкур тизимдан самарали фойдаланган ҳолда тинловчиларнинг назорат ишлари ҳам шу тизимда топширилиб, уларнинг баҳоси ҳам бир куннинг ўзида маълум бўлмоқда. Бу эса масофавий таълимнинг ўзига хос имкониятлари ўқитувчи ва тинловчилар учун ҳар томонлама қулай эканлигидан дарак беради.

Хусусан, шу кунларда Академиянинг "Молия" кафедраси томонидан 2 курс тинловчиларининг амалиёт ҳисоботлари ҳимояси айнан шу портал орқали аъло даражада ташкил этилди. Тинловчилар қисқа вақтда ўз натижаларини ҳам билиш имкониятига ҳам эга бўлдилар.

Келгусида тинловчиларнинг яқуний имтиҳонлари ва диссертация ҳимоялари ҳам <http://moodle.bfa.uz> портали орқали амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

Ўз мухбиримиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

БИР ҚАРЗ ОЛУВЧИ ЁКИ БИР-БИРИГА
ДАХЛДОР ҚАРЗ ОЛУВЧИЛАР ГУРУҲИ УЧУН
ТАВАККАЛЧИЛИКНИНГ ЭНГ КЎП МИҚДОРЛАРИ
ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ҚЎШИМЧА ВА
ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлиги томонидан 2020 йил 21 февралда
2707-4-сонли рақами билан
рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисидаги ва "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/16-сон қарори (рўйхат рақами 2707, 2015 йил 5

август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 31-сон, 420-модда) билан тасдиқланган Бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳи учун таваккалчиликнинг энг кўп миқдорлари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Марказий банк раиси
Тошкент ш.,
2020 йил 16 январь,
1/6-сон

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 16 январдаги 1/6-сон қарорига
ИЛОВА

БИР ҚАРЗ ОЛУВЧИ ЁКИ БИР-БИРИГА ДАХЛДОР ҚАРЗ ОЛУВЧИЛАР ГУРУҲИ УЧУН ТАВАККАЛЧИЛИКНИНГ ЭНГ КЎП МИҚДОРЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ҚЎШИМЧА ВА ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. 4-банднинг иккинчи хатбошиси "кредитлар," деган сўздан кейин "банкларро депозитлар," деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2. 6-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:
"6. Банкнинг бир қарз олувчи ёки бир-бирига дахлдор қарз олувчилар гуруҳига тўғри келувчи таъминланмаган кредит (эътимодли кредит), шунингдек факторинг хизматлари учун таваккалчиликнинг энг юқори миқдори банк биринчи даражали капиталнинг 5 фоизидан ошмаслиги зарур, бундан банкларро кредит (депозит)лар мустасно бўлиб, ушбу операциялар мазкур Низомнинг 5-банди талабига мувофиқ амалга оширилади."

3. 8-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:
"8. Мазкур Низомнинг 5 – 7-бандларида кўзда тутилган чекловлар куйидаги ҳолларда татбиқ этилмайди:

бозор қиймати кредитларнинг 125 фоизини қоплай оладиган Ўзбекистон

Республикаси Ҳукумати ва Марказий банкининг қимматли қоғозлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг кафолати ёки бошқа мажбуриятлари билан таъминланган кредитлар; кредитлар кредит берувчи банкдаги депозитлар билан таъминланганда;

Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки гуруҳи (Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Халқаро инвестицияларни кафолатлаш агентлиги, Халқаро тараққиёт ассоциацияси) ҳамда Осиё тараққиёт банки, Осиё инфраструктура инвестиция банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки, Европа инвестиция жамғармаси, Ислон тараққиёт банки, Европа Кенгашининг тараққиёт банки билан юзага келадиган таваккалчиликлар, шунингдек банк активлари ва/ёки балансдан ташқари моддалардаги мажбуриятлари ушбу ташкилотлар томонидан кафолатланганда."

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

БАНК ХИЗМАТЛАРИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО
МУНОСАБАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТИЖОРАТ
БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН МИНИМАЛ
ТАЛАБЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА ҚЎШИМЧАЛАР ВА
ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан
2020 йил 21 февралда 3030-4-сонли рақам билан
рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Марказий банк Бошқаруви қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 28 апрелдаги 16/18-сон қарори (рўйхат рақами 3030, 2018 йил 2 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 27-

сон, 553-модда) билан тасдиқланган Банк хизматлари истеъмолчилари билан ўзаро муносабатларни амалга оширишда тижорат банкларининг фаолиятига қўйиладиган минимал талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ қўшимчалар ва ўзгартириш киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2020 йил 16 январь,
1/8-сон

М. НУРМУРАТОВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 16 январдаги 1/8-сон қарорига
ИЛОВА

БАНК ХИЗМАТЛАРИ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН МИНИМАЛ ТАЛАБЛАР ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМГА КИРИТИЛАЁТГАН ҚЎШИМЧАЛАР ВА ЎЗГАРТИРИШ

1. Куйидаги мазмундаги 366 – 3611-бандлар билан тўлдирилсин:

"366. Банк кредит операцияларини амалга оширишда куйидагиларга риоя этиши лозим: кредит шартномасида кредит маблағларини бериш муддати, шартлари ва улардан фойдаланиш тартиби аниқ кўрсатилиши; кредит шартномасида кредит маблағларини бериш мажбуриятини бажармаганлиги ёки ўз вақтида бажармаганлиги учун банк қарз олувчи олдида кредитор сифатида ўз жавобгарлигини акс эттириши шарт.

367. Кредит шартномасига илова қилинган кредитни қайтариш жадвали кредит шартномасининг ажралмас қисми ҳисобланиб, банк ва қарз олувчи томонидан имзоланиши, шунингдек, қоида тартиқасида кредит шартномаси матнида илова кўринишидаги кредитни қайтариш жадвалига ҳавола бўлиши керак.

368. Кредитдан фойдаланганлик учун фоизларни қарз олувчига ҳақиқатда берилган кредит асосий суммасининг қолдиғига нисбатан кредит шартномасида белгиланган номинал ставка бўйича ҳисоблаши керак. Бунда, кредитдан фойдаланганлик учун фоизлар кредит суммаси қарз олувчининг ҳисобварағига ёки қарз олувчи томонидан кўрсатилган бошқа ҳисобвараққа ўтказилган ёхуд қарз олувчига нақд пул кўринишида берилган санадан бошлаб ҳисобланади.

Агар кредит шартномасида кредитни сўндириш даврида имтиёзли давр кўзда тутилган бўлса, унда имтиёзли даврнинг бошланиш куни кредит берилган санадан ҳисобланиши керак.

369. Банк қарз олувчига кредит шартномасида назарда тутилган кредитни беришдан бутунлай ёки қисман бош торган тақдирда, ушбу кредит бўйича маблағлар беришни тўхтатиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кейинги иш кундан кечиктирмасдан қарз олувчига кредит бериш тўхтатилганлиги ва унинг сабаблари юзасидан ёзма хабарнома юбориши шарт.

3610. Жисмоний шахс – қарз олувчи

томонидан истеъмол кредити ва ипотека кредити бўйича қарздорлик тўлиқ тўланганидан сўнг, банк мазкур қарздорлик бўйича амалга оширилган охириги тўлов санасининг кейинги уч иш кунидан кечиктирмаган ҳолда қарз олувчининг шахсий кабинетига кредит бўйича қарздорлик тўлиқ сўндирилганлиги ва ушбу кредит шартномаси бўйича қарздорлик мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот жойлаштириши шарт.

3611. Кредитдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси тури (ўзгармас ёки ўзгарувчи фоиз ставкаси) ҳамда кредитнинг асосий суммаси ва фоизларни тўлаш усули (дифференциал ёки аннуитет) томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ кредит шартномасида назарда тутилиши керак."

2. 372-банд куйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

"Агар кредитни қайтариш жадвали расмийлаштирилган сўнг кредит бўйича молиялаштиришни бошлаш муддатлари ёки шартномада кўзда тутилган ўзгарувчан фоиз ставкаси ўзгариши, кредит шартномасининг шартлари томонлар ўртасида қайта кўриб чиқиши (шу жумладан, кредитнинг реструктуризация қилиниши), қарз олувчи томонидан кредит қисман муддатидан олдин сўндирилиши муносабати билан кредит бўйича тўловларни амалга ошириш саналари ва муддатлари ёки оралик кредит тўловларининг миқдорлари ўзгарганда банк кредитни қайтариш жадвалини янгидан расмийлаштириб, қарз олувчига тақдим қилиши лозим.

Бунда, кредитни қайтариш жадвали янгидан расмийлаштирилиши билан ундан олдин мавжуд бўлган кредитни қайтариш жадвали ўз кучини йўқотади. Ушбу қоида кредит шартномасида қайд этилиши шарт."

3. 491-банд куйидаги тахрирда баён этилсин:
"491. Истеъмолчиларнинг муурожаатлари банкка келиб тушган кундан эътиборан ўн беш кундан кечиктирмай, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқиши ва ёзма ёки электрон шаклда жавоб берилиши керак."

60 йилларнинг бошларида бу мамлакат Зимбабве ёки Ангола каби қашшоқ давлат эди. Бугунги кунда эса унинг аҳолисининг даромадлари Испания ёки Чехияникидан юқори бўлиб, дунёда Япония билан биргаликда инновацияларга энг кўп маблағ киритадиган мамлакатдир. У бунга қандай эришди?

Агар биз бугун 60 йилдан сўнг Бурунди ёки Уганда сингари мамлакатлар юқори технологиялар бўйича лидер давлатларга айланади, бу ерларда қашшоқлик деярли бўлмайди ва ўртача умр кўриш ёши Швеция ёки Норвегияга қараганда юқорироқ бўлади, деб айтсак, албатта кулгига қолишимиз тайин. Агар Жанубий Кореянинг 1960 йилдаги аҳоли жон бошига даромади, Африкадаги Намибия ёки Мозамбикникидан кам бўлганиги келтирсак, сиз бунга ишонмаслигингиз мумкин. Аммо, 2020 йилга келиб, биз Жанубий Кореянинг жуда тез фурсатларда учинчи дунёдан биринчисига ўтганлигини кўрмакдамиз. Бугунги кунда, унинг аҳоли жон бошига даромади Испания ва Италияникидан кўп, Буюк Британия билан эса деярли тенг. Мамлакатда қашшоқлик тахминан 5% ни ташкил этади, бойлар ва камбағаллар ўртасидаги фарқ, Европа Иттифоқидаги ўртача кўрсаткичларга яқин. Бундан ташқари, ҳозирги вақтда Жанубий Корея, аҳолининг ўртача умр кўриш давомийлиги бўйича дунёнинг биринчи ўнталлигига киради (83,5 ёш, бу Франция ва Канада каби мамлакатлардан юқори).

Бундан ташқари, Жанубий Корея экспортнинг катта қисмини мураккаб тармоқлар (электроника, автомобиллар, юк машиналари, юқори технологиялар) ташкил этади. Шу билан бирга, Жанубий Корея, инновация соҳасига дунёда энг катта куч сарфлаётган мамлакатдир: у ўзининг ялли ички маҳсулотининг 4,3 фоизини илмий тадқиқот ва ишланмаларга сарфлайди, бу ҳатто ривожланган мамлакатларнинг ҳам ўртача кўрсаткичларидан анча юқори ҳисобланади. (Мисол учун, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 0,5% га тенг ва 2020 йилдан 0,8 фоизга кўтариш мақсад қилинган.) Мамлакатдаги Samsung, LG ёки Hyundai каби йирик компанияларнинг таъсирчан муваффақияти ҳам айнан шунга боғлиқдир. Булар Жанубий Кореядаги ишлаб чиқариш тузилмасининг ядроларидир.

КОРЕЯДА “МЎЎЖИЗА” ҚАНДАЙ СОДИР БЎЛДИ?

1960 йиллар Жанубий Корея тарихида катта бурилиш даври эди. Дахшатли ўн йилликлардан сўнг (1910–45 йилларда Япониянинг бостириб кириши ва ундан кейин 1950–53 йилларда Кореядаги қонли уруш), 1961 йилдан бошлаб Жанубий Корея, давлат тўнтаринини амалга оширган генерал Пак Чон Хи бошчилигида ривожланиш босқичига киришди. 1979 йил Пак Чон Хининг ўлимигача бўлган 18 йил мобайнида Кореяда аҳоли жон бошига тўғри



ЖАНУБИЙ КОРЕЯ “МЎЎЖИЗАСИ”: РИВОЖЛАНИШ ВА БОЙЛИК САРИ

келадиган ЯИМ йилига 7,1 фоиздан ўсиб борди. Агар 1961 йилда Жанубий Кореянинг аҳоли жон бошига ЯИМ Намибия ёки Мозамбикникидан кам бўлган бўлса, 1979 йилга келиб у Миср ва Югославияга тенглашиб олди. Генерал Пак сиёсатининг таъсири 21-асрда ҳам давом этди: 2013 йилдан 2017 йилгача унинг қизи – коррупция учун лавозимидан четлатилгунга қадар – мамлакат президенти эди.

РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИ

Япония ривожланиш моделидан илҳомланган Жанубий Корея стратегияси, давлат томонидан sanoatga йўналтирилган катта кучга эга эди, давлатнинг иқтисодий соҳага аралашуви – sanoat соҳаларини тўғри танлаб ривожлантириш чоралари орқали – ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва мураккаблаштириш учун зарур эди, шунинг учун 1960 йилларда sanoatning асосий йўналишларида биринчи сектор устунлик қилди. Кореяда ишлаб чиқилган иқтисодий ва sanoat сиёсатлари қуйидагилар эди: стратегик соҳаларга чекланган вақт давомидаги божхона ҳимояси; sanoat маҳсулотлари экспорти учун субсидиялар; арзон истеъмол кредитлари; маълум бир ҳашаматли товарларнинг ички маркетингини тақиқлаш; технология таълими ривожлантириш ва иқтисодиётнинг айрим соҳаларида хорижий инвестицияларни тартибга солиш.

Жанубий Кореядаги трансмиллий корпорацияларнинг ўзаро боғлиқлиги шундаки, sanoatлаштириш жараёнининг энг динамик иштирокчилари асосан маҳаллий компаниялар бўлган: булар LG, Samsung ёки Hyundai каби оилавий келиб чиқишга эга бўлган йирик хусусий конгломератлар (чеболлар) эди. 1990 йилга келиб Жанубий Кореяда sanoatлаштириш жараёни авжига чиққан паллада тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг ЯИМга нисбатан улуши 1,9% ташкил этарди холос, бу эса халқаро стандартларга нисбатан жуда паст эди. Таққослаш учун, ўша йили ривожланиш стратегияси сифатида чет эл инвестициялари учун асосий нуқта бўлган Сингапурда бу кўрсаткич 78,5%га чиққан.

Жанубий Кореяда ҳам давлат ишчилар синфига нисбатан репрессив таъсир кўрсатгани рост, аммо у интизомли хусусий капитални ҳам ўзининг ривожланиш режаларига мослаштира олди. Чунки 1960 йилларнинг бошларида Жанубий Кореянинг маҳаллий элиталари нисбатан заиф бўлган (бу масалан, даромадларни ўртача тенг тақсимлашда акс этган), бу ер эгалари синфи йўқ қилинишига олиб келган 1940 йилларда амалга оширилган аграр ислохотларнинг натижаси эди. Шундай қилиб, маҳаллий элитанинг заифлиги ва давлатнинг тўлов қобилиятининг юқорилиги sanoat ишлаб чиқаришида яхши кўрсаткичларни берди, натижада давлат ва хусусий сектор компенсациясиз субсидиялар ўрнига ўзаро келишувга эришиб ишлашда давом этишди.

Бошқача қилиб айтганда, давлат хусусий секторларга ресурслар ва даромадларни қайта тақсимлади ва уларнинг эффективлигини оширишни технологик тайёргарлик, инновация ва албатта жазоланиш таҳдиди орқали амалга оширишга муваффақ бўлди.

ЧЕБОЛЛАР

Бир қарашда, Жанубий Корея тажрибаси “давлат фақат ўйин қоидаларинигина кафолатлаши керак” деган либерал постулатга қарши чиқаётгандек кўринади. Жанубий Корея – бошқариш қобилиятига эга бўлган кучли давлат механизмлари тўғрисида, жамланган катта сармоялар ривожланиш учун асос бўлиши мумкинлигини исботлаган мамлакатга яққол мисолдир. Пак Чон Хи кичик ва ўрта корхоналарни эмас, балки чеболларни афзал кўришига бир неча сабаблар бор.

Биринчидан, кичик ва ўрта корхоналар билан ўзаро муносабат, юқори атомизацияланган субъектлар билан ишлашни аналтади, бу эса мувофиқлаштиришни қийинлаштиради; иккинчидан, кичик ва ўрта корхона субъектлари тезкор технологик ўзгаришлар учун унчалик катта потенциалга эга эмаслиги сезилади.

Жанубий Кореянинг “чеболлар”и қандай ўзига хос хусусиятларга эга эди? Биринчидан, уларнинг эгалари одатда оилалардир. Иккинчидан, чеболлар турли фаолият соҳаларида

(sanoat, қурилиш, юқори технологиялар) кўплаб корхоналарни ўз ичига олади. Биргина Samsung компанияси экскаватор ва кемалардан тортиб бугунги кундаги энг илғор технологияларга асосланган смартфонларгача ишлаб чиқаради. Табиийки, улар Жанубий Кореянинг иқтисодий тузилишида катта аҳамиятга эга бўлганлиги сабабли, мамлакат сиёсатига ҳам кучли таъсир кўрсатишган. 1960 ва 1970 йилларда давлат уларни тартибга солишга муваффақ бўлди, аммо 1980 йиллардан бошлаб, ўтган ўн йилликларда катта капитал тўпланиши тўғрисида, чеболлар ўз кучини оширдилар ва давлатнинг иқтисодий тартибларга аралашувларини камайтиришни талаб қила бошладилар. 90 йилларнинг охирида собиқ иқтисодий тизимни ислох қилиш жараёни бошланди. Халқаро валюта жамғармаси ва бошқа халқаро ташкилотлар кўмаги билан молия сектори мустақамланди ва анъанавий оилавий бизнес тузилмаларининг замонавий акционерлик жамиятларига ўтиш жараёни содир бўлди. 2000 йилларда Жанубий Корея йирик sanoat корхоналарини ташкил этиш учун солиқлар ва маъмурий рухсатномаларни камайтирди, бунинг оқибатида Жанубий Корея иқтисодиётида Daewoo Shipbuilding & Marine Engineering, Hyundai Rotem, Times Aerospace Korea каби ўнлаб йирик компаниялар пайдо бўлди.

КОРЕЯДАН ЎРГАНАДИГАН ЖИҲАТЛАРИМИЗ

Ўзбекистон Республикасида ҳам жуда кўп соҳаларда Корея Республикасининг тажрибаларидан фойдаланишга ҳаракат қилинади аммо бу ҳаракатлар доим ҳам самарадорлигини кўрсатмавермайди. Чунки давлат бошқаруви механизмларида судларнинг эркинлиги, коррупцияга қарши мурасиз кураш олиб бормасдан туриб иқтисодий ривожланиш ҳақида ўйлашни фойдаси йўқ. Шарқий Осиё мамлакатларидаги давлат интервенционизмининг Ўрта Осиё каби бошқа ривожланаётган мамлакатлардаги интервенционизмдан ажратиб турадиган омиллардан бири интенсив авторитаризмнинг бир қисми сифатида олиб борилган давлат сиёсатининг юқори сифати эди.

Карантинда ёзилган шеър



Хайрулла ХОЛТЎРАЕВ

ОҒРИҚЛИ ХАТОГА
АЧЧИҚЛИ СЎРОҚ

Бир зарра куйидан тўлғонар фалак,
Бир зарра куйидан ўзгарар осмон.
Бир зарра куйидан оламда хадик,
Бир зарра куйидан бўзлар оломон.

Бир зарра вужудни кучар шарпадай,
Бир зарра ваҳмидан бедормиз ё, Раб.
Бир зарра нафратга айланган кунда -
Дунёнинг ишлари ғарибдан-ғариб.

Бунда табибарим чоралар излар,
Иқболин истаган бемор бошида.
Шу лаҳза узлатдан чекинган ғубор,
Барча оҳлар ожиз Ҳақнинг қошида!

Бунда эътиқоднинг йўллари раван,
Бунда кунгилларни босади титроқ.
Оқибат билмаган жумлаи жаҳон,
Оғриқли хатога аччиқли суроқ!

Эй дилки, қалб билан дилни тозарткин!
Улуғлар айтгандек: қўлгамай Маъво.
Кўнгил ойнасини ҳар дамда артгин,
Зарралар мавҳ бўлмай йўллардир раво!

Рухимни опичлаб, арш кўшида,
Дилимни ёрдим, тўкилди ҳасрат.
Бўғзимда қотган умидвор видо -
Раҳим қил Худо, ўзинг бер рағбат!

Кечалар кечмиши ўтар лаҳзада,
Ҳар хато ортидан гуноҳлар янги.
Ўкинчлар тош қотган юраклар зада,
Умрга қувонч бер, упайин тонгни!

Дунё қизғонади мендан жомини,
Дунё шаробидан тўкилар оҳлар.
Дунё хайратлардан тўзғиб ётганда -
Қалбларни безайди о, мудҳиш доғлар.

Нафсим қирланади ичаман висол,
Иблис қаҳ-қаҳ ура ўтади шодон.
Лаҳзада лаззатдан тўкиллар завол,
Оҳ дардим, кўз ёшга ачинмас виждон.

Асрни қаритар йиллар тўфони,
Хазонга бурканар ошиқлик титроқ.
Бунда ҳаё безар чиркин дунёни,
Бунда барча оҳнинг ўтмиши фироқ.

Умрни сарф этдим, чолдим, етмадим,
Дил кўшқин унутдим, қилмадим тоқат.
Бул ғамнок нафсининг нияти қадим,
Кўксимни ёритар Ҳақ ишқи фақат!

Иммунитет кучли бўлса, у бизни турли хасталиклардан ҳимоялайди. Лекин баъзан атроф-муҳит ифлосланиши, домий стресс ҳолатида юриш, етарли даражада мева-сабзавот, сут-қатик, гўшт каби маҳсулотларни истеъмол қилмаслик, уйимиздаги электр жиҳозлар (телевизор, компьютер, микротўлқинли печ) таратаётган зарарли тўлқинлар ва шу каби юзлаб омиллар иммун тизими ишининг кучсизланишига олиб келади.

Иммунитет пасайиши аломатлари:

- руҳий ҳолат ўзгариши, тана ҳароратининг сабабсиз кўтарилиши ва пасайиши;
- тез-тез чарчаш, умумий ҳолсизланиш, узоқ вақт давом этаётган депрессия, руҳий тушқунлик, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга нисбатан бефарқлик;
- тунги уйқусизлик, кундузлари эса аксинча уйқу келиши;
- турли аллергик таъсирларнинг пайдо бўлишидир.

Иммунитетингиз қай даражада эканини сиздаги шамоллаш касаллигининг давом этиш муддати ёхуд бирор жойингиз шилангандан кейинги жароҳатнинг битишига қараб аниқлаш мумкин. Жароҳат тез битса, тумов тез чекинса, демак, организмнинг иммунитет даражаси юқори. Хасталик асоратли кечиб, жароҳат секин битса-чи? Унда иммунитетингизни кўтариш учун дарҳол ҳаракат қилишингиз даркор. Чунки иммун тизими ишидаги носозлик организмнинг касалликларга бўлган мойиллигини оширади.

Агар сизда шундай ҳолат кўзатилаётган бўлса, иммунитетни ошириш чораларини кўринг. Бунинг учун сизга айрим тавсияларни келтириб ўтамиз.

Ҳар куни наҳорга 1-2 дона қизил сабзи, 2 дона апельсин ёки олма, тушлик пайтида ярим боғ селдерей ёки кашнич, салат барги, ётишдан олдин 1 пиёла қатик истеъмол қилинг. Петрушка, селдерей, шивит, салат барги танга қувват берувчи, юқумли касалликлардан сақловчи таъсирга эга.

Ошқозон-ичак, жигар, ўт пуфаги соҳасидаги муаммоларда оддийгина наъматак, дўлана, шотут мевалари ёрдамга кела-

ИММУНИТЕТИНГИЗ
ПАСАЙДИМИ...

ди. Улар витаминларга ниҳоятда бой. Одамгиёх (женшен), зубтурум, газанда ўт, дала қирқбўғини, арслонқуйруқ, дасторбош, беҳи барги, тоғ-жамбил, шивит ва зиғир уруғи, бўйимодарон каби ўсимликлар иммунитетни оширувчи таъсирга эга. Улар дамланиб, кунига икки маҳал наҳорга ва ётишдан олдин ичилади.

Дамлама қуйидаги усулда тайёрланади: 1 ошқошиқ ўтчи чойнакка солиб, устидан қайноқ сув қуюйсиз. 5-10 дақиқадан кейин уни ичиш мумкин.

Иммунитетни кўтаришда ҳамда асаб тизимини мустаҳкамлашда асалга тенг келадигани йўқ. Ётишдан олдин 1 ошқошиқ асал еб, орқасидан, албатта, қайнатилган илиқ сув ичилади. Ёки седанани янчиб, асалга аралаштирилади ва ҳар куни наҳорга нўхатдай миқдордагина истеъмол қилинади.

Таркибида А ва С витамини бўлган маҳсулотлар иммунитетни кўтариш хусусиятига эга. А витаминининг организмдаги асосий вазифаси иммун тизимини бошқариш ва кўриш қобилиятини меъёрлаштиришдан иборат. Асосан балиқ маҳсулотлари А витамини

билан тўйинган бўлиб, у болалар организми учун ўрни бекиёсдир. Тухум, жигар ва сут маҳсулотларида ҳам А витамини мавжуд.

С витамини организмдаги микробларга қирон келтиради ҳамда иммунитетни назорат қилади. Грипп ва ўткир респиратор вирусли инфекциялар юққанида С витаминига бой маҳсулотлардан истеъмол қилиш, уларнинг тезда бартараф этилишига олиб келади. Наъматак таркибида С витамини бор маҳсулотлар ичида тенгсиз ҳисобланади. Наъматак дамламасини тайёрлаш учун уни ювиб, 10-15 донасини 500 мл сувда ўн дақиқа қайнатилади ва ёпик идишда 5 дақиқа дамланади. Хоҳишга қараб 1 ошқошиқ асал қўшиб ичсангиз ҳам бўлади.

Унутманг, ҳар қандай витаминли маҳсулотлар алоҳида истеъмол қилинсагина танга тўлиқ сингади. Шу сабабли дамламани овқатланишдан 2 соат вақт ўтгач бошқа маҳсулотларни аралаштирмасдан ичиш тавсия этилади.

Зайнаб ВАЛИЕВА
Шифокор
Avitsenna.uz

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА
АХБОРОТ ҲАМКОРЛАРИМИЗ
Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси
Банк-молия академияси

БОШ МУҲАРРИР
Бобур МУҲАММАДИЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ
Шукр ЖАББОР

**ОБУНА ВА РЕКЛАМА
БЎЛИМИ РАҲБАРИ**
Ўктам АБДУЛЛАЕВ
Тел: +998 90 0264090
71 234 43 18

Факс: 71 234 43 18
Нашр индекси-102.

МУАССИСА:
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Ахборот кўмаги
ЎЗА, "Norma Hamkor" МЧЖ
www.finance.uz

Тахририят манзили:
100060. Тошкент ш., Юнусобод т.
Осиё кўчаси 1а
e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
Чоп этишга тайёрловчи:
"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ
Газета тахририятнинг техник
усқуналарида саҳифаланди.

Тахририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси" да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилмади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган. Газета ҳафтада бир марта - пайшанба кuni чиқади. Буюртма № г 0439 А-1678 Нархи шартнома асосида. Газета АЗ ҳажмда, 4 шартли босма табоқда чоп этилди. Босишга руҳсат этилди: 21.04.2020 й., 1 2 3 4 5 6